

## МУХОКАМА АХБОРОТИ

« 01 » Ноябрь 2022 йил  
соат 15:30

Поп туман

Поп туман Халқ таълими бўлими томонидан 2022 йил “19” октябрдаги **22110012166160**-сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Поп туман Халқ таълим бўлимига қарашли 9-мактаб биносини жорий таъмирлаш учун лойиха смета хужатларини тайёрлаш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича **“POP DIZAYN PROEKT”** МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичida танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин хисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Поп туман Халқ таълими  
бўлими мудири;

А.Хусаинов

Поп туман Халқ таълими  
бўлими бош хисобчиси;

М.Имбатов

# ШАРТНОМА

9/2022-сонли шартнома

Поп тумани

2022 йил “01” Ноябрь

“POP DIZAYN PROEKT” МЧЖ номидан низом асосида иш юритувчи Ш.Алиназаров бир томондан (бундан бүён матнда “Бажарувчи” деб юритилади) ҳамда Поп туман Халқ таълими бўлимномидан низом асосида иш юритувчи А.Хусиновиккинчи томондан (бундан бүён матнда “Буюртмачи” деб юритилади) куйидагилар ҳакида мазкур шартномани туздик:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Бажарувчи” ушбу Шартнома мувофиқ Поп тумани халқ таълими бўлимига қарашли<sup>9</sup>-умумтаълим мактабибиносинижорий таъмирлаш учун лойиха ва ва смета (экспертиза хulosasi) хужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” ушбу хизматларни қабул қилиш ва ҳакини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг қатъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас кисми бўлган спецификацияда келтирилади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра қўйидагиларни талаб қилиш:
- камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
- баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
- шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

### 2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

### 2.3. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

### 2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичida аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

## III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

### 3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси 29 800 000(йигирма тўққизмиллион сakkiz юз минг)сум.

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблаг Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган кисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичida амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун хужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгаришишга йўл қўйилмайди, конунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварак-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Газначилик штампида кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишини рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириқка киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўгри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварак-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганилиги тўғрисида белги кўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгаришишга ҳақли.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда мижозга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлади.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдорида жарима тўлади.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида етказилган зарарни қоплади.

5.4. Хизматлар кечикирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечикирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлади, аммо жариманинг ўмумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўгри бажаришдан ва хизматларни кечикириш ёки кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечикирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлади.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибида Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шахар туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

## VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлик ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиласиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнгин, тошқин, зилзила, бошка табиий оғатлар, экспорт ёки импортга тўсиклар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, терористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қиласа, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равища 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгид бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш хукуқидан маҳрум қиласи.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиласиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (ун) иш куни олдин ёзма равища хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш хуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

## VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пўра бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда куйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қиласа, иккинчи Томонни ёзма равища хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузиши содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро хужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қиласди. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шугулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022-йил 31-декабргача амал қиласди.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва хисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

## X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равища тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қиласди.

10.3. Ушбу шартнома бир, хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Бажарувчи:

"POP DIZAYN PROEKT" МЧЖ

Манзил; Поп шахар

Тел;

P/c20208000200456091001

Банк реквизитлари: Поп т., Микрокредитбанк

АТБ Поп ф.

МФО: 00239

ИНН: 207223724

ОКЭД: \_\_\_\_\_



Буюртмачи: Ш.Алиназаров

Буюртмачи: Поп тумани халқ таълими булими  
Манзил: Поп тумани Обод МФЙ Истиклол  
кучаси № 6 уй

Р/с: 23402000300100001010

Л/с: 401722860142197092100075022

Банк реквизитлари: Тошкент ш., Марказий Банк

ХКМ

МФО 00014

ИНН: 2000 88 724

ОКЭД:



Буюртмачи: А.Хусаинов

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

RS0027041403

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: Pop tuman xalq ta’limi bo`limi va "POP DIZAYN PROEKT" MChJ Pop tumani xalk ta’limi bo`limiga qarashli 9-umumta’lim maktabi binosini joriy ta’bmirlash to`g`risida tuzilgan 9/2022-sonli shartnomasi

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Pop tuman xalq ta’limi tomonidan 02.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Pop tumanı yuridik  
markazi  
bosh yuristkonsulti:



B.S.XAMIDJONOV

03.11.2022

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 166160 на приобретение Поп туман Халқ таълим бўлимига қарашли 9-мактаб биносини жорий таъмирлаш учун лойиха смета хужатларини тайёрлаш**

Способ проведения электронный

Дата 28.10.2022

Время рассмотрения 28.10.2022 09:12

Закупочная комиссия Поп туман халқ таълими булими, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	XUSAINOV AVAZBEK ABDURAXIMOVICH	Поп туман халқ таълими булими мудири	Поп туман халқ талими булими
<b>Секретарь комиссии</b>	IMBATOV MUXITDIN MAXMUDOVICH	Поп туман халқ талими булими бош хисобчиси	Поп туман халқ талими булими
<b>Член комиссии</b>	XOLMATOV JASUR RAXMATJONOVICH	Поп туман халқ талими булими Қурулиш бош мутахасисити	Поп туман халқ талими булими
<b>Член комиссии</b>	MAXMUDOV SHAVKATJON ERGASHEVICH	Поп туман халқ талими булими касаба уюшма раиси	Поп туман халқ талими булими
<b>Член комиссии</b>	RAJABOV DONIYORJON ERKINJONOVICH	Поп туман халқ талими булими мудири ўринбосори	Поп туман халқ талими булими
<b>Член комиссии</b>	RO'ZMATOV RASHIDJON XAMIDJONOVICH	Поп туман халқ талими булими бош иқтисодчи	Поп туман халқ талими булими

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объятиению на специальном информационном портале от 28.10.2022 года № лота 166160.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 85.00 / Весовой коэф. ценовой части: 15.00)

Мин. балл: 25

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Поп туман Халқ таълим бўлимига қарашли 9-мактаб биносини жорий таъмирлаш учун лойиха смета хужатларини тайёрлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	30 000 000.00
Стартовая сумма	30 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 иштирокчининг танлов хужжатлари буйича бажариладиган ишларни бажариш муддатларини кўрсатган холда кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: иштирокчининг танлов хужжатлари буйича бажариладиган ишларни бажариш муддатларини кўрсатган холда кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО POP DIZAYN PROYEKT	30	бор	20	Экспертная		
ООО CHUSTLOYIHA	30	25	10	Экспертная		
FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ	30	БАРЧА ХУЖЖАТЛАР ТЕХНИК ШАРТ БУЙИЧА ИЛОВА КИЛИНДИ	15	Экспертная		

Критерий №2 Иштирокчининг Молиявий курсаткичлар, солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги түғрисида маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчининг Молиявий курсаткичлар, солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги түғрисида маълумотлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО POP DIZAYN PROYEKT	40	бор	20	Экспертная		
ООО CHUSTLOYIHA	40	35	15	Экспертная		
FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ	40	БАРЧА ХУЖЖАТЛАР ТЕХНИК ШАРТ БУЙИЧА ИЛОВА КИЛИНДИ	15	Экспертная		

Критерий №3 Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувохнома ва устави, лецензия

Тип: Текстовое значение

Описание: Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувохнома ва устави, лецензия

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО POP DIZAYN PROYEKT	30	бор	30	Экспертная		
ООО CHUSTLOYIHA	30	25	30	Экспертная		
FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ	30	БАРЧА ХУЖЖАТЛАР ТЕХНИК ШАРТ БУЙИЧА ИЛОВА КИЛИНДИ	30	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ	30 000 000.00	24 000 000.00 UZS	24 000 000.00	00.00	24 000 000.00	25.10.2022 16:03:40	15
ООО POP DIZAYN PROYEKT	30 000 000.00	29 800 000.00 UZS	29 800 000.00	00.00	29 800 000.00	22.10.2022 12:01:51	12.08054
ООО CHUSTLOYIHA	30 000 000.00	29 970 000.00 UZS	29 970 000.00	00.00	29 970 000.00	24.10.2022 15:24:23	12.01201

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ	51	15	66
ООО POP DIZAYN PROYEKT	59.5	12.08054	71.58054
ООО CHUSTLOYIHA	46.75	12.01201	58.76201

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 166160 от 28.10.2022 года на приобретение Поптуман Халқ таълим бўлимига қарашли 9-мактаб биносини жорий таъмирлаш учун лойиха смета хужатларини тайёрлаш определила победителем:

ООО POP DIZAYN PROYEKT  
207223724

и резервный исполнитель: FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ (303757075)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	XUSAINOV AVAZBEK ABDURAXIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	XOLMATOV JASUR RAXMATJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	MAXMUDOV SHAVKATJON ERGASHEVICH	Согласен	
Член комиссии	RAJABOV DONIYORJON ERKINJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	RO'ZMATOV RASHIDJON XAMIDJONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyeklini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"POP DIZAYN PROYEKT" Mas'uliyali cheklangan jamiyat**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyeklining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi lotiq nomi)

**"POP DIZAYN PROYEKT" MChJ**

(Yuridik shaxsning qisqartilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

07.03.2015

2621

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq ta'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

207223724

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Pop tumani, Pop, Obod MFY Istimlol ko'chasi,

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Pop tumani, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning lotiq nomi):





Ўзбекистон  
Республикаси  
Курилиш вазирлиги



№ 2515-0561-a0bf-9ae6-70c5-0657-5453  
Хужжат яратилинган сана: 2021-11-26  
Ариза рақами: 40243615

Хужжат берилган: ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ  
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "POP DIZAYN PROYEKT"  
Кабул килювчанинг идентификация рақами: 207223724

**Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун  
ЛИЦЕНЗИЯ**

"POP DIZAYN PROYEKT" mas'uliyati cheklangan jamiyatiga obyektlarning murakkablik  
toifalari klassifikatorini bуйича II toifadagi obyektlar учун кўйидаги:  
Тўлиқ комплексда лойиҳалаш буйича фаолият турлари А гурухи: Уй-жой-хўжалик қурилиши учун  
объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг  
муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш фаолият тур(-лар)и билан  
шуғулланишга лицензия берилди.

Лицензия берилган сана: 26-11-2021 йил

Лицензия рақами: АЛ-001984

Солик тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 207223724

Юридик шахснинг почта манзили: Namangan viloyati, Pop tumani, Pop shahri, Obed MFY, Istiqlol  
ko'chasi

Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган.

XIDAYEV OYBEK XASANOVICH

Мазкур ҳужжат Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон  
карори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат  
хизматлари портала тўғрисидаги низомга мувоффик шакллантирилган электрон  
хужжатнинг нусхаси хисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида курсатилган  
маълумотлар тўғрилигини текшириш учун геро.gov.uz веб-сайтiga утияг ва  
электрон ҳужжатнинг иёб рақамини киритинг еки мобил телефон ёрдамида QR-  
кодни сканер килинг. Диккат! Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги  
728-сон карорига мувоффик электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний  
хисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон  
ҳужжатларининг нусхаларини қабул қилишини ради этишлари ҳаттимиз таҳқиқланади.

9091

